

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ДЕРГАЧЁВА ИРИНА ВИКТОРОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА КУТИЛМАГАН ТОШҚИНЛАР:  
ГЕНЕЗИСИ, ҲУДУД ВА ВАҚТ БЎЙИЧА ТАРҚАЛИШИ,  
ТАБИИЙ ОФАТ ХАВФИНИ КАМАЙТИРИШ**

**11.00.03 – Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**География фанлари доктори (DSc)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
географических наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
geographical sciences (DSc)**

**Дергачева Ирина Викторовна**

Ўзбекистон ҳудудида қутилмаган тошқинлар: генезиси, ҳудуд ва вақт бўйича тарқалиши, табиий офат хавфини камайтириш..... 3

**Дергачева Ирина Викторовна**

Внезапные паводки на территории Узбекистана: генезис, территориально-временное распространение, снижение риска бедствий..... 29

**Dergacheva Irina Viktorovna**

Flash floods in Uzbekistan: genesis, territorial and temporal distribution, disaster risk reduction..... 55

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ДЕРГАЧЁВА ИРИНА ВИКТОРОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА КУТИЛМАГАН ТОШҚИНЛАР:  
ГЕНЕЗИСИ, ҲУДУД ВА ВАҚТ БЎЙИЧА ТАРҚАЛИШИ,  
ТАБИЙ ОФАТ ХАВФИНИ КАМАЙТИРИШ**

**11.00.03 – Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2026**

**География фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4 DSc/Gr28 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (рус, ўзбек ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.nigmi.uz](http://www.nigmi.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Мягков Сергей Владимирович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Муродов Шухрат Одилевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Аденбаев Бахтиёр Ембергенович**  
география фанлари доктори, доцент

**Хожамуратова Роза Тажимуратовна**  
география фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**«Тошкент ирригация ва қишлоқ  
хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти»  
Миллий тадқиқот университети**

Диссертацияни ҳимояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «25» февраль соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел: (998) 71 2358512, факс: (998) 71 2371319; E-mail: [info@nigmi.uz](mailto:info@nigmi.uz)).

Докторлик диссертацияси билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти Илмий-техник кутубхонасида танишиш мумкин (№ 234 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел: (998) 71 2358512, факс: (998) 71 2371319.

Диссертация автореферати 2026 йил «10» февраль куни тарқатилди.  
(2026 йил «10» февралдаги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).



**Б.М. Холматжанов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

**Б.Э. Нишонов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
т.ф.н., катта илмий ходим

**Д.М. Тургунов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда давом этаётган иқлим илиши жараёни об-ҳаво, иқлим ва сув билан боғлиқ офатлар сонининг кўпайишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. ЖМТнинг офатлар статистикаси ҳисоботида «Сўнгги 50 йилда ҳар куни ўртача биттадан хавфли метеорологик, иқлимий ёки гидрологик ҳодиса билан боғлиқ офат юз берган. Рекорд даражадаги ўнта офат ичида тошқинлар 58700 кишининг умрига зомин бўлган ва жами 115 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар етказган»<sup>1</sup> деб таъкидланади. Тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар ва сел оқимлари жадаллиги ва такрорланувчанлигининг ортиши табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича илмий асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва улардан барвақт огоҳлантириш ахборот-диагностика тизимларини яратишни тақозо этади.

Дунёда барвақт метеорологик, гидрологик ва иқлимий огоҳлантириш хизматларини такомиллаштиришга устувор эътибор қаратилиб, бу хизматлар инсонлар ҳаётини сақлаб қолади ва инвестицияларнинг энг юқори рентабеллигига эга. 2022 йил Жаҳон метеорология ташкилоти, дунё ҳамжамияти олдига кейинги беш йилликда Ердаги ҳар бир инсонни тобора кучайиб бораётган экстремал об-ҳаво ҳодисалари ва иқлим ўзгариши шароитида барвақт огоҳлантириш тизимлари билан таъминлаш масаласини кўйди. Шу нуқтаи назардан, тўсатдан юзага келиб, тез ривожланадиган тошқинларни ҳар томонлама ўрганиш, улардан барвақт огоҳлантириш тизимларини ишлаб чиқиш, огоҳлантиришлар сифатини ошириш орқали уларнинг иқтисодийнинг турли секторларига салбий таъсирни камайтириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикада замонавий эрта огоҳлантириш ва хабар бериш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали хавфли гидрометеорологик ҳодисаларнинг салбий таъсирини камайтириш, шунингдек, режали асосда профилактик ҳимоя чораларини кўришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва ижобий натижаларга эришилмоқда. «Ўзбекистон 2030» стратегиясида «Хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳақида огоҳлантириш даражасини 100 фоизга етказиш»<sup>2</sup> асосий мақсадлардан бири қилиб белгиланган. Бу мақсадга эришишда Ўзбекистон ҳудудида тўсатдан юзага келадиган тошқинларнинг шаклланиш ва ривожланиш шароитларини, уларнинг генезиси, макон ва вақт бўйича тақсимотини ўрганиш, замонавий автоматлаштирилган эрта огоҳлантириш тизимларини яратиш орқали хавф даражасини камайтириш ва гидрометеорологик хавфсизликни таъминлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

---

<sup>1</sup> WMO Atlas of Mortality and Economic Losses from Weather, Climate and Water Extremes (1970–2019) (WMO-No. 1267) (2021). <https://wmo.int/publication-series>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон «"Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида» Фармони. <https://lex.uz/docs/6600413>

Ўзбекистан Республикаси Президентнинг 2017 йил 1 июндаги «Фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5066-сон, 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон, 2025 йил 20 октябрдаги «Аҳоли ва ҳудудларни фавкулудда вазиятлардан ишончли муҳофаза қилиш соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПФ-185-сон Фармонлари, шунингдек, 2022 йил 18 ноябрдаги «Хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ва геологик жараёнлар билан боғлиқ фавкулудда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-426-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу илмий тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VII. «Геология, минералогия, сейсмология, сейсмобардошлик, гидрометеорология ҳамда хавфсизлик ва фавкулудда ҳолатлар муаммолари» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Тўсатдан содир бўлиб, тез ривожланувчи тошқинларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари, уларнинг генезиси, макон ва вақт бўйича тақсимоли ҳамда салбий таъсирини камайтириш мақсадида эрта огоҳлантириш тизимларини яратишга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: European Flood Awareness System (Европа Комиссияси), NOAA/National Severe Storms Laboratory (АҚШ), U.S. Geological Survey (АҚШ), University of Colorado (АҚШ), Hydrological Research Center (АҚШ), Deltares (Нидерландия), Eawag (Швейцария), Potsdam Institute for Climate Impact Research (Германия), Flood Hazard Research Centre (Буюк Британия), National Research Institute for Earth Science and Disaster Resilience (Япония), Asian Disaster Reduction Center (Япония), Institute of Mountain Hazards and Environment (Хитой), М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия), Росгидрометнинг давлат гидрология институти (Россия), Қозоғистон Республикаси Фавкулудда вазиятлар вазирлигининг «Казгидромет» ва «Казселезащита» Республика давлат корхоналари (Қозоғистон) ва бошқаларда олиб борилмоқда.

Жаҳон етакчи илмий марказларида тўсатдан содир бўлиб, тез ривожланувчи тошқинларнинг макон ва вақт бўйича тарқалишини аниқлаш, турли ҳудудлар учун хавф даражасини баҳолаш ва улардан эрта

---

<sup>3</sup> Хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги веб-сайтлар асосида бажарилди: <https://www.unccllearn.org>, <https://wmo.int>, <http://www.cawater-info.net>, <https://www.hollandlandofwater.com>, <https://www.gov.kz> ҳамда бошқа манбалар.

огоҳлантириш тизимларини яратиш бўйича бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилган, жумладан, сув босиши ва тошқинларининг макон ва вақт бўйича хавфлари аниқланган, шунингдек, сув босиши хариталари ва хавфни бошқариш режалари ишлаб чиқилган, Европа сув босиши прогнози бўйича ахборот алмашинуви цикли яратилган (Европа Комиссияси); тўсатдан содир бўлувчи сув тошқинларининг метеорологик сабаблари тадқиқ этилган (National Severe Storms Laboratory, АҚШ); глобал сув босиши маълумотлар базаси яратилган (University of Colorado, АҚШ); тўсатдан содир бўлувчи тошқинлардан эрта огоҳлантириш учун йўлдош прогнозлари ва локал моделлар чиқиш маълумотлари билан интеграцияланган (Deltares, Нидерландия); сув босишининг оқибатлари баҳоланган ва мослашиш чоралари ишлаб чиқилган, шунингдек, тўсатдан содир бўлувчи сув тошқинларидан келиб чиқувчи офатлар хавфини камайтириш учун эрта огоҳлантириш тизимлари ва самарадор профилактика чоралари ишлаб чиқилган (Potsdam Institute for Climate Impact Research, Германия); тоғ тошқинлари, кўчкилар ва селлардан эрта огоҳлантириш тизими ишлаб чиқилган (Institute of Mountain Hazards and Environment, Хитой); глобал миқёсда тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар хавфини баҳолаш учун ахборот-диагностика тизими лойиҳаланган ва ишлаб чиқилган (Hydrological Research Center, АҚШ); фалокатли сел оқимларининг математик моделлари яратилган, Россия ҳудудларининг қурилиш ва муҳандислик химояси учун сел хавфи баҳоланган (М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ва Росгидрометнинг давлат гидрология институти, Россия); глобал исиш шароитида сел оқимларидан химояланиш концепциясининг асосий тамойиллари ва турли генезисли сел оқимларига қарши профилактика чоралари мажмуаси ишлаб чиқилган (Казгидромет ва Казселезащита, Қозоғистон).

Дунёда турли генезисли тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг макон ва вақт бўйича тарқалишини аниқлаш ҳамда улардан барвақт огоҳлантириш ва ахборот бериш тизимларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, дарё бўйи ҳудудларини сув босиш хавфини баҳолаш; сел-тошқинлар хавфи юқори бўлган даврларни аниқлаш; сел-тошқинларни математик моделлаштириш асосида прогнозлаш усуллари; сел оқимларидан химояланиш чоралари; иқлим ўзгаришининг уларнинг тарқалиши ва фаоллигига таъсирини ўрганиш; уларнинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини баҳолаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тўсатдан содир бўлиб, тез ривожланувчи тошқинлар ва улардан эрта огоҳлантириш тизимларини яратиш билан боғлиқ умумий назарий ва методологик масалалар қуйидаги чет эллик олимлардан J.O'Brayen, R.Garsiya, M Berti, R.L.Baum, L. Xu, B.Yang, Y.Li, B.Stewart, K.P.Georgakakos, E.Shamir, C.Spencer, T.M. Modrick ва бошқалар, собиқ иттифоқ ва МДҲ мамлакатлари олимларидан С.М.Флейшман, И.В.Боголюбова, М.Мамедов, Ю.Б.Виноградов, Е.А.Таланов, С.С.Черноморец, К.С.Висхаджиева, В.Л. Бабурин, А.Р.Медеу, М.К.Касенов, Р.К.Яфязова, А.Н.Олиферов, Е.А.Савернюк,

Г.В.Гавардашвили, С.А.Ерохин, Э.В.Запорожченко ва бошқалар томонидан ўрганилган. Юқорида санаб ўтилган олимларнинг илмий ишлари тўсатдан содир бўлиб, тез ривожланувчи тошқинлар ва сел оқимларининг пайдо бўлиши, динамикаси ва макон ва вақт бўйича шаклланиш хусусиятлари тўғрисидаги тушунчаларни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшган, улар томонидан сел ва тошқинларнинг таснифлари, тошқин оқими сарфини ҳисоблаш ва хавfli ёғингарчликни баҳолаш усуллари, тошқин хавфи бўлган ҳудудларни хариталаш ва районлаштириш усуллари ишлаб чиқилган, тошқин хавфини баҳолаш ва ландшафтлар барқарорлиги мезонлари таклиф қилинган, экстремал гидрометеорологик ҳодисалар салбий оқибатларини камайтириш ва тўсатдан содир бўлувчи тошқинлардан эрта огоҳлантириш тизимларини ишлаб чиқишга ёндашувлар такомиллаштирилган.

Ўзбекистонда сел-тошқин ҳодисаларини ўрганиш катта тарихга эга бўлиб, турли йилларда ушбу йўналишда Ф.К.Кочерга, В.А.Кудышкин, В.Е.Чуб, Г.Н.Трофимов, Ю.М.Денисов, А.Ф.Шахидов, А.А.Ни, Р.Г.Вафин, В.П.Пушкаренко, П.М.Карпов, А.Ю.Умаров, Ш.К.Ходжаев, М.Л.Арушанов, А.С.Меркушкин, Ф.Х.Хикматов, С.В.Мягков, М.А.Петров, А.Х.Туляганов, Б.Д.Салимова, Ю.А.Плотницкая, Б.Ф.Хикматов ва бошқа олимлар фаолият юритган. Бу олимларнинг тадқиқотлари асосан сел ҳосил бўлиш механизмлари, тез ривожланувчи тошқинлар ва сел оқимларининг юзага келиш шароитларини ўрганиш, сел ҳодисаларининг вақт ва кўламини прогнозлаш усул ва мезонларини ишлаб чиқиш, шунингдек, бу жараёнга турли табиий ва антропоген омилларнинг таъсирини баҳолашга бағишланган.

Юқорида санаб ўтилган барча ишларда, асосан эътибор тез ривожланувчи тошқинлар ва сел оқимларининг шаклланиши ва ривожланиши, шунингдек, ёғин прогнозларига асосланган сел тошқинлари прогнози услубиятларига қаратилган. Мазкур тадқиқот улардан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди учун тўсатдан содир бўлиб, тез ривожланувчи тошқинларнинг хавфини камайтириш мақсадида эрта огоҳлантириш автоматлаштирилган тизимини яратишга бағишлангани билан фарқ қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг АЛМ-202107008 – «Ўзбекистон ҳудуди учун сел-тошқин хавфи бўйича интерактив онлайн эрта огоҳлантириш тизимини яратиш» (2021-2024 йи.) мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон ҳудудида тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг макон ва вақт бўйича шаклланиш хусусиятларини аниқлаш ва барвақт огоҳлантириш ахборот-таҳлилий диагностика тизимини яратиш орқали уларнинг хавфини камайтиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон ҳудудида тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар ичида энг кўп учрайдиган сел-тошқин ҳодисаларининг ўрганилганлик даражасини баҳолаш;

тўсатдан ва тез ривожланадиган тошқинларни олдини олиш соҳасидаги илғор жаҳон ишланмаларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон ҳудудида 1900 йилдан 2023 йилгача бўлган кузатишлар даврида қайд этилган сел-тошқин ҳодисалари бўйича маълумотларни ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилиш, тизимлаштириш ва уларни ягона форматда тақдим этиш асосида ахборот-таҳлилий модулини яратиш;

Ўзбекистон ҳудуди бўйича тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг макон ва вақт бўйича тарқалишининг замонавий тамойилларини аниқлаш;

иқлим ўзгаришининг турли сценарийлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёмғирлар ва тўғон ўпирилиши натижасида юзага келадиган тўсатдан тошқинларнинг фаоллиги ва тарқалишидаги ўзгаришларни баҳолаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар олдидаги заифлигини кўп мезонли баҳолаш;

Ўзбекистон ҳудуди учун сел-тошқин хавфидан барвақт огоҳлантириш бўйича интерактив онлайн тизим яратиш;

тўсатдан содир бўлувчи тошқинлардан эрта огоҳлантириш ахборот-диагностик тизимидан фойдаланувчилар учун тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистоннинг тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар хавфи остидаги тоғли ва тоғ олди ҳудудлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг шаклланиш ва тарқалиш жараёнларини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда улардан барвақт огоҳлантириш тизимини яратиш масалаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда географик умумлаштириш, гидрологик аналогия ва солиштириш усуллари қўлланилган. Ўзбекистон ҳудудида тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг макон ва вақт бўйича тарқалишининг хусусиятлари ва замонавий тамойилларини аниқлашда математик статистика усуллари ҳамда рақамли хариталарни тузишда ГАТ-технологияларнинг стандарт MapInfoPro ва ArcGISPro дастурий маҳсулотларига асосланган ҳолда картографик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг (юқори сел хавфи даврининг бошланиши, тугаши ва ялпи давомийлиги, селларнинг шаклланиш, кўчиш ва тўхташ зоналари) макон ва вақт бўйича тарқалишининг хусусиятлари ва замонавий тамойиллари аниқланган;

Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий вилоятлар кесимида тоғли ва тоғ олди ҳудудларидаги сел-тошқин фаоллиги юқори даврлар аниқланган, сел-тошқин ҳодисалари энг кўп учрайдиган сув оқимлари ажратилган;

иқлим ўзгаришининг турли сценарийлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёғинлар ва тўғонларнинг ўпирилиши натижасида тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг фаоллиги ва тарқалишининг мумкин бўлган ўзгаришлари баҳоланган;

Ўзбекистон ҳудудида кузатишлар даври мобайнида қайд этилган сел-

тошқин ҳодисалари ахборот-таҳлилий модули яратилган;

Ўзбекистон ҳудуди учун сел-тошқин хавфидан барвақт огоҳлантиришга мўлжалланган интерактив онлайн тизим ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тезкор таҳлилларни амалга ошириш ва маълумотнома материалларини тайёрлаш имконини берувчи тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар ва сел оқимлари бўйича маълумотларнинг электрон архивлари яратилган;

турли генезисдаги тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг юзага келиши ва тарқалиши хавфи юқори бўлган ҳудудлар аниқланган;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари сел-тошқин хавфи даражаси бўйича ажратилган;

тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар хавфи мавжуд ҳудудларда аҳоли жойлашуви, шаҳарлашган ҳудудлар, суғориладиган ерлар ва инфратузилманинг тарқалиш хариталари яратилган;

тўсатдан содир бўлувчи тошқинлардан эрта огоҳлантириш ахборот-диагностик тизимидан фойдаланувчилар учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон ҳудудига таҳдид солувчи турли генезисдаги тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг рақамли тарқалиш хариталари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги тармоқларида стандарт талаблар асосида амалга оширилган ўлчашлар ва кузатишлар маълумотларидан бирламчи ахборот манбаи сифатида фойдаланилганлиги, уларнинг Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг маълумотлари ҳамда муаллифнинг шахсий тадқиқотлари материаллари билан тўлдирилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг мавзу доирасида илгари эълон қилинган изланишлар хулосалари билан мослиги ва уларнинг гидрометеорология хизмати ҳамда бошқа соҳаларда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишда олинган натижалар ва улардан келиб чиқадиган асосий илмий хулосалар тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг салбий таъсиридан келиб чиқадиган фалокатлар хавфини камайтириш соҳасидаги илмий ёндашувларни такомиллаштириш, тоғли ва тоғолди ҳудудлардаги тўсатдан содир бўлувчи тошқин хавфи даражасини сифатли баҳолаш, иқлим сценарийларига боғлиқ ҳолда келажакдаги тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар фаоллигини баҳолаш, шунингдек, тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар бўйича барвақт огоҳлантириш тизимларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга доир илмий-услубий масалаларни ҳал қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлари ҳақида ўз вақтида ва аниқ огоҳлантиришларни тайёрлашда муҳим амалий ресурс бўлиб, сел-тошқин ҳолатларини тезкор баҳолаш, хавфли гидрометеорологик ҳодисалар

мониторингини ривожлантириш режалари, тегишли вазирлик ва идоралар учун тавсиялар, таҳлилий ва маълумотнома материалларини тайёрлашда, шунингдек аҳолининг ва иқтисодиёт тармоқларининг тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, ҳудудларнинг ҳимоялилиқ даражасини ошириш ва тўсатдан содир бўлувчи тошқин хавфларини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича режаларни ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиши.** Тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг макон ва вақт бўйича тарқалишини аниқлаш ва уларнинг салбий таъсиридан келиб чиқадиган фалокатлар хавфини камайтириш бўйича эрта огоҳлантириш тизимини яратиш натижалари асосида:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг (юқори сел хавфи даврининг бошланиши, тугаши ва ялпи давомийлиги, селларнинг шаклланиш, кўчиш ва тўхташ зоналари) макон ва вақт бўйича тарқалишининг хусусиятлари ва замонавий тамойиллари Автомобиль йўллари қўмитаси амалий иш фаолиятига республиканинг тоғли ҳамда тоғолди ҳудудларидаги сел хавфи даражасини аниқлашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг 2025 йил 13 августдаги 04-3614-сон маълумотномаси). Натижада, сел хавфи юзага келишининг олдини олишга қаратилган профилактик ва превентив чора-тадбирларни оптималлаштириш имконияти яратилган;

Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий вилоятлар кесимида тоғли ва тоғ олди ҳудудларидаги сел-тошқин фаоллиги юқори даврлар ҳамда сел-тошқин ҳодисалари энг кўп учрайдиган сув оқимлари рўйхати Гидрометеорология хизмати агентлигида хавфли сел тошқин ҳодисаларини мониторинг қилиш ва “Содир бўлган селлар ҳақида маълумотлар” бўлимини тайёрлашда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 14 апрелдаги 01-15/516-сон маълумотномаси). Натижада, сел хавфи даврлари ва ҳудудий тарқалишини аниқлаштириш ва уларнинг мумкин бўлган салбий таъсирини камайтириш чора-тадбирларини янада самарали олиб бориш имконияти яратилган;

иқлим ўзгаришининг турли сценарийлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёғинлар ва тўғонларнинг ўпирилиши натижасида тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг фаоллиги ва тарқалишининг мумкин бўлган ўзгаришлари бўйича баҳолаш натижалари Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг тоғли ва тоғолди ҳудудларида сел хавфи даражасини аниқлашда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг 2025 йил 13 августдаги 04-3614-сон маълумотномаси). Натижада, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини тўсатдан содир бўлувчи тошқинларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш ва сел хавфини бошқариш самарадорлигини оширишга имконият яратилган;

Ўзбекистон худудида кузатишлар даври мобайнида қайд этилган сел-тошқин ҳодисалари ахборот-таҳлилий модули Гидрометеорология хизмати агентлиги сел тошқини ҳодисаларини ретроспектив таҳлил қилиш ва таҳлилий маълумотлар тайёрлаш фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги хузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 14 апрелдаги 01-15/516-сон маълумотномаси). Натижада, сел тошқинлари бўйича замонавий автоматлаштирилган маълумотлар базаси ва уни тезкор геоинформацион таҳлил қилиш имконияти яратилган;

Ўзбекистон худуди учун сел-тошқин хавфидан эрта огоҳлантиришга мўлжалланган интерактив онлайн тизими Гидрометеорология хизмати агентлиги фаолиятида тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар ҳақида ўз вақтида ва аниқ огоҳлантиришлар тайёрлаш оператив амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги хузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 14 апрелдаги 01-15/516-сон маълумотномаси). Натижада, тоғли ва тоғолди худудларни ривожлантириш, ресурсларни бошқариш ва режалаштириш фаолиятининг турли соҳалари учун тўсатдан содир бўлувчи тошқинлардан огоҳлантиришларнинг оқланиши ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг асосий натижалари 7 та халқаро ва 1 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шундан 2 та монография (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган журналларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 2 та хорижий журналларида нашр қилинган. Электрон ҳисоблаш машиналари учун 5 та дастурий маҳсулот ва 1 та маълумотлар базаси бўйича муаллифлик гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 187 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** бажарилган диссертация тадқиқоти мавзусининг долзарблиги, зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари аниқланган, тадқиқот объекти ва предметиға тавсиф берилган, шунингдек, мавзунинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, мавзу доирасида нашр этилган ишлар, диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи “Ўзбекистон ҳудудида энг кўп тарқалган тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар шакли сифатида селларни ўрганишнинг илмий-назарий асослари” бобида “Тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар” тушунчасининг илмий-назарий асослари берилган, Ўзбекистонда тўсатдан содир бўлувчи сел тошқинларини ўрганишга оид ретроспектив таҳлил берилган, жаҳон ва минтақада тез ривожланувчи ҳамда сел тошқинларнинг ўрганилганлигининг замонавий ҳолати тасвирланган.

Диссертация тадқиқоти мавзуси доирасида дастлаб “Тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар” тушунчасининг илмий-назарий асосланиши берилган. Илмий қарашлар эволюциясини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 100 йилдан ортиқ ўрганиш тарихи бўлишига қарамаздан, сел ва тўсатдан содир бўлувчи тошқинни фарқловчи миқдорий ва сифат мезонлари ҳанузгача мунозарали бўлиб, тадқиқот олиб борилаётган минтақа (Кавказ, Марказий Осиё) ва илмий мактабларга қараб фарқ қилади. Таҳлилда собиқ Иттифоқ ва МДХ мамлакатларининг етакчи олимлари – Б.И.Статковский, К.И.Богданович, Н.И.Ситковский, Е.П.Коновалов, М.А.Великанова, Л.Н.Леонтьев, М.С.Гагошидзе, С.М. Флейшман, И.В.Боголюбова, В.Ф.Перов, Г.Е.Виноградов, Б.С.Степанов, Р.К.Яфязова кабиларнинг ишларидан фойдаланилган. Селни фарқловчи асосий белгиларидан бири - оқимда қаттиқ материаллар миқдорининг жуда юқорилиги бўлиб, бу оқимнинг реологик хусусиятларини (зичлик, қовушқоқликни) кескин ўзгартиради ва оқизикларни ташиш механизмини ўзгартириб юборади (яъни оқим суяқ эмас, балки ҳаракатланувчи қатламга айланади). Шу билан бирга, оқимнинг қаттиқ фракциялар билан тўйинганлик даражаси (ҳажм бўйича 10% дан 75% гача) учун аниқ универсал чегаравий қийматлар мавжуд эмас.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон шароити учун энг мақбул ва амалий тушунча “тўсатдан содир бўлувчи тошқин” атамаси ҳисобланади. Бу, биринчидан, кичик сув йўлларида бу каби ҳодисаларнинг оммавийлиги, иккинчидан, уларнинг қисқа давомийлиги ва оқимнинг оқизиклар билан тўйинганлик даражасини тез аниқлашнинг қийинлиги, учинчидан эса халқаро терминология (Жаҳон метеорология ташкилоти – ЖМТ) билан уйғунлиги билан изоҳланади. ЖМТ асосан ҳодисанинг ривожланиш тезлиги ва инсон ҳамда инфратузилма учун хавф даражасига эътибор қаратади.

Ушбу бобда турли даврларда Ўзбекистон ҳудудида тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар оқимларини ўрганган олимларнинг ишларига кенг шарҳ берилган. Инқилобгача бўлган даврда (XIX асрнинг охири) Н.И. Корольков ва С.Ю. Раунернинг ишлари қайд этилган. Совет даврида селларга қарши кураш давлат даражасидаги режали тадбирга айланган, махсус партиялар ва стационарлар ташкил этилган ҳамда комплекс экспедициялар ўтказилган.

Ушбу даврда Ўзбекистонда қатор йирик олимлар – Ф.К. Кочерга, В.А.Кудышкин, В.Е.Чуб, Г.Н. Трофимов, Ю.М. Денисов, А.Ф. Шахидов, А.А.Ни, Р.Г.Вафин, В.П.Пушкаренко, П.М.Карпов, А.Ю.Умаров, Ш.К.Хўжаев ва бошқаларнинг селларнинг шаклланиш шароити, оқим

динамикаси ва ўсимлик қопламасининг ролига бағишланган ишлари амалга оширилган. Мустақиллик даврида тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар оқимларини ўрганишда эътибор синоптик маълумотлар, радиозондлаш ва йўлдош маълумотларидан фойдаланган ҳолда прогностик усулларни ишлаб чиқишга қаратилган. Бу борада Д.Х.Салихова, Л.Ф.Ляховская, М.Л.Арушанов, А.С.Меркушкин, Ф.Х.Хикматов, С.В.Мягков, А.Х.Туляганов, Б.Дж.Салимова, Ю.А.Плотницкая, С.И.Иногамова, С.И.Климов каби олимларнинг ишлари муҳим аҳамият касб этган. Ҳозирги кунда тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар оқимларини ўрганиш соҳасидаги тадқиқотлар геоахборот ва прогностик технологияларга асосланмоқда. Яратилаётган тизимлар (шу жумладан, интерактив эрта огоҳлантириш тизими) сел ҳодисалари, иқлим сценарийлари ва атмосфера циркуляцияси жараёнлари ҳақидаги маълумотларни интеграциялайди. Бу эса ўзгариб бораётган иқлим шароитида сел фаолиятидаги ўзгаришларни баҳолаш ҳамда хавфларни камайтириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун илмий асос яратади.

Диссертациянинг **иккинчи «Тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг олдини олиш соҳасидаги илғор дунё тажрибаларини таҳлил қилиш»** бобида тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг олдини олиш бўйича жаҳонда ва минтақада амалга оширилаётган замонавий илғор ишланмалар тавсифланган.

Бобда АҚШнинг Сан-Диего шаҳридаги Гидрологик тадқиқотлар маркази (HRC) мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар хавфини баҳолаш тизими (ТСБТХБТ) атрафлича тавсифланган. Диссертация тадқиқоти доирасида мазкур тизим Ўзбекистон шароитига мослаштирилди, уни танлаш сабаблари илмий асосланган ва унинг қўлланиш имкониятлари баён этилган. Тизимнинг асосий мақсади — жаҳон бўйлаб прогностик хизмат ходимларига тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар юзага келиш хавфини баҳолаш билан боғлиқ маҳсулотларни (интерактив хариталар кўринишида) реал вақт режимида тақдим этишдан иборат. Бу маҳсулот катта ҳудудларда эҳтимолий кичик миқёсли тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар хавфини акс эттиради, юқори фазовий аниқликка эга бўлиб, кучли ёғинлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар ҳақида огоҳлантириш тайёргарлигини қўллаб-қувватлаш учун зарур ахборотни беради. Тизим реал вақтдаги маълумотлар ҳамда масофадан зондлаш маълумотларидан фойдаланади, қуруқлик юзасининг сонли, фазовий жиҳатдан тақсимланган гидрологик моделларини ва мезомиқёсли ҳаво прогнози моделларини қўллайдди. Аниқланишича, замонавий эрта огоҳлантириш тизимларининг асосий таркибий қисми икки индексни баҳолашдан иборат: хавф индекси (офат келиб чиқиш эҳтимоли ёки асосий омиллар мавжудлиги), таҳдид индекси (ёғиннинг белгиланган чегаравий қийматлардан ошиши). Бу ёндашув ёғин содир бўлганини фақат қайд этишдан ташқари, тупроқ намлиги ва сув ҳавзаларининг морфометрик хусусиятларини инобатга олган ҳолда тошқин вазиятининг ривожланиш эҳтимолини баҳолаш имконини беради.

Шу билан бирга, халқаро услубиятларни Ўзбекистоннинг минтақавий шароитига мослаштириш зарурлиги аниқланган. Хусусан, ёгин бўйича йўлдош маълумотларидаги тизимли хатоликларни (силжишларни) ер усти кузатувлари маълумотлари асосида тузатиш талаб этилади. Бу айниқса станциялар сони кам бўлган тоғли ҳудудлар учун жуда муҳим ҳисобланади.


Бобда миллий огоҳлантириш тизимини яратиш учун услубий асос илмий жиҳатдан асосланган ва амалга оширилган. Бу асос кенг ҳудудий ва вақт бўйича тарқалган маълумотларни (гидрометеорологик маълумотлар, картографик асос, сел-тошқин ҳодисалари тўғрисидаги маълумотларни) йиғиш ва тизимлаштиришни, уларни геоахборот моделларида фойдаланиш учун тайёрлашни ўз ичига олади. Аниқланишича, тизим самарадорлиги кириш маълумотларининг сифатига боғлиқ. Йўлдош ёгин баҳоларини (GHE, MWGHE) ер усти кузатувлари маълумотлари бўйича тузатиш уларнинг аниқлигини сезиларли даражада оширади. Бироқ, ушбу яхшиланиш даражаси мавсумга ва қўлланилган алгоритмга қараб ўзгариб туради, бу эса моделларни янада нозик мослаштиришни талаб қилади.

Диссертациянинг **учинчи «Ўзбекистон ҳудудида тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинларнинг макон ва вақт бўйича тарқалиши хусусиятлари ва замонавий тенденциялари» боби** деб номланган. Бобда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўсатдан содир бўладиган тошқинларнинг юзага келишига таъсир этувчи асосий омиллар баён этилган, мамлакатнинг сел хавфи юқори бўлган ҳудудлари бўйича тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг макон ва вақт бўйича тарқалишининг ретроспектив таҳлили натижалари келтирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар олдидаги заифлигини кўп мезонли баҳолаш жараёни тавсифланган ҳамда ҳудудлар заифлик даражасига кўра гуруҳларга ажратилган. Бобда, шунингдек, иқлим ўзгаришининг турли сценарийлари шароитида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёмғир ва тўғон ёрилиши натижасида юзага келадиган тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг фаоллиги ва тарқалишидаги ўзгаришлар ҳам баҳоланган.

Тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг юзага келиши ва ривожланиши учун табиий ёки антропоген омиллар мажмуаси мавжуд бўлиши зарур. Асосий элементлар қуйидагилар ҳисобланади: юза оқимни шакллантирадиган иқлим шароити, дарёларнинг гидрологик режими, геологик шароитлар (ҳавзада етарли миқдорда ғовак жинслар мавжудлиги) ва рельеф хусусиятлари (ўзан ва тоғ ёнбағирларининг тиклиги, уларнинг йўналиши). Шунингдек, ўсимлик қоплами ва инсоннинг хўжалик фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1900 йилдан 2023 йилгача бўлган кузатиш даврида жами 4122 та тўсатдан содир бўлувчи тошқин ҳолати қайд этилган. Тўсатдан содир бўлувчи тошқинларнинг частотаси бўйича қуйидаги интерваллар ажратилган: 200 тадан ортиқ ҳолат – жуда юқори частота, 100-200 ҳолат – юқори, 50-100 ҳолат – ўртача, 50 тадан кам ҳолат – паст частота. Алоҳида ҳолат сифатида 125 йиллик кузатиш давомида фақат бир

неча марта тўсатдан содир бўлувчи тошқин қайд этилган ҳудудлар ажратилган. 1-расмда кўриниб турибдики, бутун кузатиш даври мобайнида жуда юқори тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқин фаоллиги Фарғона вилоятининг Сўх ва Фарғона туманлари, Наманган вилоятининг Чуст тумани ҳамда Сурхондарё вилоятининг Шерабод тумани ҳудудларида қайд этилган. Умуман олганда, республика бўйича тўсатдан тошқинларнинг 45% ҳолати моддий ва ижтимоий зарар келтирган, шу билан бирга 17% ҳолатларда инсон қурбонлари кузатилган.




1-расм. Ўзбекистон ҳудудида тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар ҳолатларининг маъмурий туманлар кесимидаги тарқалиши (1900–2023 йй.)

Замонавий тенденцияларни аниқлаш мақсадида 1990 йилдан 2023 йилгача бўлган давр таҳлил қилинди. Ушбу давр мобайнида 1856 та тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқин ҳолати қайд этилган.

Март–июль ойлари давомида Ўзбекистонда қайд этилган барча тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқин ҳолатларининг 94 фоизи содир бўлади. Ҳудудлар бўйича тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқин фаоллиги юқори бўлган даврлар қуйидагича тақсимланади: Тошкент вилояти – 86% март-май, энг кўп ҳолат апрель ойида (39%); Андижон вилояти – 91% апрель-июнь, максимум апрель (36%); Фарғона вилояти – 95% май-август, максимум июнь (36%); Наманган вилояти – 98% апрель-июль, максимум май (57%); Жиззах вилояти – 80% апрель-июнь, максимум май (33%); Самарқанд вилояти – 90% февраль-май, максимум май (32%); Навоий вилояти – 83% апрель-май, максимум май (52%); Қашқадарё вилояти – 89% март-май, максимум май (41%); Сурхондарё вилояти – 95% март-июнь, максимум май (37%).

Апрель ва май ойларида тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинларнинг такрорланиш частотаси барча вилоятларда (Фарғона вилоятидан ташқари)

деярли бир хил. Бироқ июнь ойига келиб, республиканинг жанубий ва марказий вилоятларида уларнинг такрорланиши сезиларли даражада камаяди, шарқий вилоятларда эса, аксинча, анча юқори бўлиб қолади. Март ойида, акс ҳолда, жанубий вилоятларда тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар тез-тез кузатилади, шарқий ҳудудларда эса бу кўрсаткич паст, Фарғона вилоятида эса умуман қайд этилмайди. Июль ва июнь ойларидаги ҳолат даярли бир хил бўлиб, фақат тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар сони ҳам, уларнинг такрорланиш частотаси ҳам паст бўлади. Август ойига келиб, сел-тошқин ҳодисаларининг тарқалиш ҳудуди кескин қисқаради. Улар асосан Фарғона вилоятининг тоғли ва тоғ олди ҳудудларида кузатилади, бу ерда йиллик тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар сонининг тахминан 10 фоизи содир бўлади (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон вилоятлари ҳудудида 1990–2023 йилларда тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқин ҳодисаларининг йил ичидаги тақсимланиши (вилоят бўйича жами ҳолатлардан фоизда)

Сўнги 34 йилда (1990–2023 йй.) Ўзбекистон ҳудудида бирор йил ҳам тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинларсиз ўтмаган. Энг кам тўсатдан тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар кузатилган йиллар – 2000 йил (4 кун) ва 2001 йил (2 кун). Энг кўп тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар кузатилган йиллар эса 1998, 2012, 2020 ва 2022 йиллар бўлиб, бу даврларда 51 кундан 75 кунгача тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар ҳолатлари қайд этилган. 2000 ва 2001 йилларда октябрь–март ойларида ёғингарчилик миқдори кўп йиллик меъёрдан паст бўлган, тўсатдан тошқинлар сони юқори бўлган юқоридаги йилларда эса ёғин миқдори меъёрда ёки ундан юқори бўлган.

Вилоятлар кесимида тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар кузатилган кунлар сони қуйидагича: Фарғона вилояти – 181 кун (энг юқори кўрсаткич), Навоий ва Андижон вилоятлари – энг кам, тегишлича 28 ва 29 кун, Сурхондарё вилояти – 140 кун, Тошкент вилояти – 103 кун, Наманган вилояти – 99 кун, бошқа вилоятларда эса бу кўрсаткич 73-93 кун оралиғида бўлган. Ўзбекистон ҳудудида тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар фаоллигининг ҳудудий-вақт бўйича бундай ўзгариши жала ёмғир фаоллиги даврлари билан боғлиқ бўлиб, бу эса ўз навбатида ҳудудларнинг орографик шароити ва нам ҳаво массаларининг географик йўналишига боғлиқ.

Тўсатдан содир бўлувчи тошқинлар фаоллигининг йиллар бўйича ўзгарувчанлиги вақт бўйича ўзгариб турувчи метеорологик жараёнлар натижаси, ҳудуд бўйича номуносивблиги эса доимий омиллар – рельеф ва сел фаол ҳудудлар мавжудлиги билан изоҳланади. Фарғона водийсидаги сел ҳавзалари умумий ҳисобда 27 минг км<sup>2</sup>, Тошкент вилоятида 3 минг км<sup>2</sup>, Зарафшон водийсида 10 минг км<sup>2</sup>, Сурхондарё вилоятида 6 минг км<sup>2</sup>, Қашқадарё вилоятида 5 минг км<sup>2</sup> майдонни эгаллайди.

1990–2023 йиллар давомида тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар куйидаги ҳудудларда оммавий равишда (камида шунча сойда) кузатилган: Фарғона водийсида – 159 сойларда, Самарқанд вилоятида – 15 сойларда, Сурхондарё вилоятида – 33 сойларда, Тошкент вилоятида – 113 сойларда, Қашқадарё вилоятида – 27 сойларда, Жиззах вилоятида – 42 сойларда.

Диссертация тадқиқоти доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар олдидаги заифлигини кўп мезонли баҳолаш усули қўлланилди. Ҳудудлар заифлигини баҳолаш учун мавжуд маълумотларга асосланиб куйидаги формула қабул қилинди:


$$\text{ЗАИФЛИК} = \frac{\text{ПОТЕНЦИАЛ ХАВФ} \times \text{ТАЪСИРЧАНЛИК}}{\text{БАРҚАРОРЛИК} \times \text{ТАЙЁРГАРЛИК}} \quad (1)$$

Бу ерда: **заифлик** – ҳудуд, инфратузилма ёки аҳолининг тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар оқибатидаги салбий таъсирларга дуч келиш даражаси бўлиб, моддий зарар, экологик ва ижтимоий хавфларни ўз ичига олади; **потенциал хавф** – тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар частотаси, улар тарқаладиган ҳудудлар ҳамда дарё ҳавзасида жойлашган баланд тоғли қўлларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Бундай қўлларнинг ёрилиши хавф омили сифатида қаралади; **таъсирчанлик** – хавф зонасида одамлар, инфратузилма ва иқтисодий объектларнинг мавжудлиги даражасини англатади; **барқарорлик** – табиий офатлар таъсирига дуч келган тизим ёки жамоанинг хавф таъсирига чидамли бўлиш, уни енгиш, мослашиш, қайта тикланиш ва ўзининг асосий функциялари ҳамда тузилишини сақлаб қолиш қобилиятини ифодалайди, бу жараён самарали хавфни бошқариш ва тикланиш чоралари орқали амалга оширилади; **тайёргарлик** – бошқарув органлари, ташкилотлар ва аҳоли томонидан тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинларни олдини олиш ва уларнинг оқибатларига жавоб бериш бўйича тўпланган билим ва салоҳиятни англатади.

Заифликни баҳолашда картографик қиёслаш (қатламларни бир-бирига қўйиш) усули қўлланилган – бу геоахборот таҳлили усули бўлиб, у турли мавзувий хариталарни интеграциялаш орқали ҳудуднинг заифлик даражасини аниқлаш имконини беради. Тошқинлар контекстида мазкур усул


юқори хавfli зоналарни аниқлаш, заифлик омилларини белгилаш ва оқибатларни камайтириш чораларини ишлаб чиқиш имконини яратади.

Турли генезисдаги тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинларнинг шаклланиши катта даражада ҳудуд баландлигига, яъни баландлик бўйича ҳарорат ва ёғингарчилик тақсимотига боғлиқ. Диссертация тадқиқоти доирасида метеорологик маълумотлар ва тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар кузатиш натижалари таҳлили асосида Ўзбекистон ҳудуди тўртта асосий районга бўлинган: I район – сел чўкиндилари асосан тўпланадиган ҳудуд (аккумуляция зонаси); II район – асосан ёмғир келиб чиқишли селлар тарқалган ҳудуд (паст тоғли минтақалар); III район – қор эриши ва ёмғирлар ҳисобига сел ҳосил бўладиган ҳудуд (ўрта тоғли минтақалар); IV район – музлик келиб чиқишли селлар тарқалган ҳудуд (баланд тоғли минтақалар). Тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар хавфи юқори бўлган ҳудудлар харитаси 3-расмда келтирилган.



3-расм. Ўзбекистон ҳудудида 1981–2023 йиллар давомида тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар хавфи мавжуд бўлган ҳудудлар харитаси, улар келтирган зарарнинг кўлами билан

Ҳар бир зона бўйича тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар сони уч тоифада ҳисобланган – зарар келтирмаган, моддий зарар етказган ва инсон ҳалокатига олиб келган ҳолатлар. 4-расмда кўриниб турганидек, иккинчи ва учинчи зоналарда зарар келтирмаган тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар сони деярли бир хил. Аммо моддий зарар келтирган тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар сони энг кўп учинчи зонада қайд этилган. Шунингдек, инсон ҳалокати билан тугаган ҳолатлар ҳам энг кўп учинчи зонада кузатилган – жами 17 та ҳолат, бу эса биринчи ва иккинчи зоналардаги бундай ҳолатлар сонини биргаликда олганда ҳам ортиқдир.



4-расм. Зоналар бўйича тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқин ҳолатлари сони

Олиб борилган заифликни баҳолаш натижаларига кўра, ҳозирги вақтда тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар фаоллиги юқори бўлган ҳудудлар II ва III зоналар – паст тоғли ва ўрта тоғли ҳудудлар ҳисобланади.

Тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар олдидаги заифлик даражаси бўйича ҳудудлар ва дарё ҳавзалари қуйидагича гуруҳланди.

**1. Жуда юқори заифлик даражаси:** Чотқол тоғ тизмасининг жанубий-шарқий ёнбағирлари, энг тўсатдан содир бўлувчи ва сел хавфли дарё ҳавзалари – Подшоота, Косонсой ва Ғовосой, улар Фарғона водийсида қайд этилган барча тўсатдан содир бўлувчи ва селларнинг 40 фоизини ташкил қилади; Олой тоғ тизмасининг шимолий ёнбағирлари, бу ерда барча қайд этилган селларнинг тахминан 30 фоизи содир бўлган, энг хавфли дарё ҳавзалари – Кулча-Қўршаб, Талдик, Оқбура, Аравон, Абширсой, Исфайрамсой, Шоҳимардон ва Сўх; Ҳисор тоғ тизмасининг жанубий ва ғарбий ёнбағирлари, Бойсунтоғ тизмасининг шарқий ёнбағирлари, бу ҳудудларда сўнгги 20 йил ичида тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар сони қарийб 40 фоизга ошган, энг хавфли дарёлар – Обизаранг ва унинг тармоқлари, Сангардек, Туполанг, Ҳалқажар, Шерабод, Ғузордарё, Кичикқўрадарё, Яккабоғдарё.

**2. Юқори заифлик даражаси:** Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси, сел хавфли дарёлар – Паркентсой, Оқташсой, Оқсоқотасой, Қорақўлсой, Оҳангарон (тармоқлари билан бирга); Зарафшон тоғ тизмасининг ғарбий ёнбағирлари, энг хавфли ҳавзалар – Ургутсой, Нарпай, Омонқўтансой; Туркистон ва Молгузар тоғ тизмаларининг шимолий ёнбағирлари, сел фаоллиги юқори дарёлар - Еттикечув, Дуобасой, Зоминсув; Санзар дарёси ҳавзаси, бу ерда сел фаоллиги баланд бўлиб, Ғаллаорол шаҳри атрофидаги адир ҳудудларида вақтинчалик сув оқимлари ҳар йили, баъзан бир йилда бир неча марта ҳам тошқин келтириб чиқаради.


**3. Ўртача заифлик даражаси:** Нурота тоғ тизмасининг жанубий ва жанубий-ғарбий ёнбағирлари ҳамда Қоратоғ тоғ тизмасининг жанубий

ёнбағирлари; энг сел фаол дарёлар – Қорасув ва Тўсун, уларнинг сув йиғиш майдонлари одатда 2 км<sup>2</sup> гача бўлиб, нисбатан кичик ҳажмдаги оқизиклари сел тошқин оқимлари ҳосил қилади.


**4. Паст заифлик даражаси:** бу ҳудудлар Ўзбекистоннинг тоғ олди зоналари ва йирик дарёлар оралиғидаги жойлашган; маъмурий кесимда бу ҳудудларга Сирдарё, Бухоро ва Навоий вилоятларининг асосий қисми киради, бу ерларда тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар фақат айрим ҳолларда кузатилади.

Диссертация тадқиқотида иқлим ўзгаришининг турли сценарийлари шароитида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёмғир келиб чиқишли ва тўғон ёрилиши натижасидаги тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар фаоллиги ҳамда уларнинг тарқалишидаги ўзгаришлар баҳоланган. Жаҳон метеорологик ташкилоти (ЖМТ) одатда таҳлил учун 30 йиллик (база) даврларини қўллайди. Бироқ, Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи (МГЭИК)нинг Бешинчи баҳоловчи ҳисоботида RCP (Representative Concentration Pathways) – яъни атмосферага иссиқхона газларининг келажакдаги ажратмалари эволюциясини акс эттирувчи сценарийларни ҳисоблаш учун 20 йиллик база даври қабул қилинган. Шунга мувофиқ, диссертация тадқиқотида ҳам келгуси иқлим проекцияларини баҳолаш учун қуйидаги тўртта 20 йиллик доимий интервал танланган: 2020-2039, 2040-2059, 2060-2079, 2080-2099 йиллар. Тўсатдан содир бўлувчи ва сел тошқинлар фаоллиги ва тарқалишидаги ўзгаришларни баҳолашда 1986-2005 йиллар базавий давр сифатида қабул қилинган.

